



ҚЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН!

Жонажон Ўзбекистонимиз мустақилликка эришиб, порлоқ истиқбол сари одим ташлаётган айни пайтда ҳар бир муваффақиятни ички ишлар ходимлари фаолияти билан боғлаш нотўғри бўлмаса керак. Чиндан ҳам ҳамкасбларимиз халқ билан алоқани мустаҳкамлаш ва шу аснода ҳақиқий истиқлол галабасини таъминлашга баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқдалар.

Вазирлигимиз таркибида яна бир хизмат борки, бу хизмат ходимлари иши унчалик кўзга кўринмасда, гоё аҳамиятлидир. Мен айни пайтда тиббиёт ходимларини назарда туташман.

Маълумки, ҳар йили июнь ойининг учинчи якшанбасида шу соҳа фидойиларининг аънанвий касб байрамларини нишонлашга одатланганмиз. Демак, бугунги кунни ана шу шодона арафаси деб аташ мумкин ва шу баҳона шифокорларимиз бажарётган кенг кўламли ишларга бир назар ташлаш фойдадан холи эмас.

Маълумки, айниқса ички ишлар соҳасида шахсий тартиб саломатлигини мустаҳкамлашга жиддий аҳамият берилади. Чунки юртдошларимиз осойишталигини муҳофаза қилиш, ҳар хил қонуьбузарлардан ва жиноятга мойил шахслар таъсиридан уларни ҳимоялаш бево-

сита шунга боғлиқ. Бу борада кўплаб саломатлик пунктлари, амбулаторийлар, поликлиника ҳамда касалхоналар, ҳарбий шифохоналар, дам олиш масканлари намунали ишлаб турибди. Мазкур жойларда ўз касбига меҳр қўйган, малакали мутахассислар меҳнат қилишмоқда. Тўғриси ҳар бир кишининг саломатлигини тиклаш йўлида бор билим ва маҳоратларини юракдаги меҳрга қўшган ҳолда сарф этмоқдалар.

Тўғри, бугунги тақчиллик шароитида кўплаб дори-дармонларнинг топилиши қийин бўлмоқда. Аммо шифокорларимиз буни кўпга келган тўй деб билмоқдалар ва уни ўз имкониятларида келиб чиққан ҳолда ҳал этмоқдалар. Энг аввало ҳар бир бемор дардига ширин сўзлари билан малҳам қўйишга интилоқдалар.

Шундай экан, шифо истаб келган ҳар бир киши тимсолида ўз туришганларидек яқинларини кўришга одатланган оқ халатли шифокорларимизни касб байрамлари билан вазирлигимиз раҳбарияти ва шахсан ўз номидан муборакбод этаман. Қўлингиз дард кўрмасин, ички ишлар соҳаси ҳақимлари!

Зокиржон АЛМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-лейтенанти.

Муштариёлар диққатига

ШУ КУНЛАРДА РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ БАРЧА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА «ПОСТДА» РЎЗНОМАСИ УЧУН ОБУНА ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА. АГАР 60 СЎМ ТЎЛАСАНГИЗ — 5 ОЙ, 36 СЎМ ТЎЛАСАНГИЗ — 3 ОЙ, 12 СЎМ ТЎЛАСАНГИЗ — 1 ОЙ ДАВОМИДА СЕВИМЛИ РЎЗНОМАНГИЗНИНГ ҲАР БИР СОНИНИ УНДА МУТОЛАА ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

БУНИНГ УЧУН 7 ИЮЛГАЧА ҲУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШГА ШОШИЛИНГ.

МАСТЛИК ОҚИБАТИ

УТГАН якшанба кунини кечки пайт Ургут туманининг Сариқтепа қишлоғи яқинида автофалокат содир бўлди. Рулга ўтираётганини унутган, фожеа юз беришини ўйламаган маст ҳайдовчи йўл четидаги уч қизни уриб кетди. Улардан бири шифохонага етмай оламдан кўз юмди. Икки қизга эса оқ халатли мададкорлар томонидан биринчи ёрдам кўрсатилди.

Мухбиримизнинг воқеа содир бўлган жойдан тайёрлаб келган мақоласини кейинги сонда ўқийсиз.

13 май куни Ўш шаҳрида Қирғизистон Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирликлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланиб, чегарадош жойлардаги ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, миллатлараро муносабатлар негизида тўғнашувларга йўл қўймаслик борасида ўзаро тadbирлар режаси тасдиқланган эди.

Бу ҳужжатларда ахборот айирбошланишнинг йўқотилган шакллари қайта тикланди, тўсатдан юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш чоғида чегарадош туманлар ички ишлар идораларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби келишиб олинди. Вазият кескин мураккаблашган пайтда бажарилиши зарур бўлган тadbирлар режалари ва шакллари, олдини олиш тadbирларининг асосий йўналишлари, оператив ахборот айирбошлаш йўллари ишлаб чиқилди ва мувофиқлаштирилди.

Қирғизистон ва Ўзбекистон республикалари ички ишлар вазирларининг ўринбосарлари ҳамда Андижон, Жалолобод, Наманган, Ўш ва Фарғона вилоятлари ИИБ бошлиқларининг яқинда Жалолободда бўлиб ўтган ишчи учрашувида мана шу жиҳатлар қайд этиб ўтилди.

— Шу билан бирга, — деб таъкидлади учрашувни очар экан, Қирғизистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат генерал-майори В. В. Баликин, — Фарғона водийси аҳолисининг турмуш тарзи ва маиший шароити барча вилоятлар ички ишлар идораларидан янада яқинроқ ўзаро алоқа ўрнатишни талаб этади.

Ўш ва Жалолобод вилоятлари ички ишлар бошқармаларининг бошлиқлари,

милиция полковниклари Б. Нурматов билан М. Конкошев ўз чиқишларида минтақада вазият нисбатан барқарор бўлсада, аслида ҳамон кескин бўлиб турганлигига эътиборни жалб этишди. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг оғир кечаётганлиги, нарх-навоининг ошиб бораётганлиги, турмуш даражасининг тушиб кетганлиги ана шунга сабаб бўлмоқда. Но-

си кураш натижаларига ва жиноятларни очиш миқдори-га қараб баҳо беради, — деди ўз сўзида Андижон вилояти ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Б. Р. Парпиев. — Визда ҳам, сизда ҳам бир камчилик бор — ҳудудлар бўйича жиноятларни аниқ билмаймиз. Транспорт олиб қочувчилар, мол ўғрилари ва бошқа жиноятчилар шахси муҳрланган су-

собга олиб, фақат миллатлараро низоларнинг олдини олиш соҳасидагина эмас, балки жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини муҳофаза қилиш борасида ҳам Фарғона вилояти ИИБларининг ҳатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириш лозим. Ўшбу кенгашдан мақсад вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг яқин ҳамкорлиги асосида Фарғона водийси аҳолисининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Кенгаш ишига яқун ясар экан, В. В. Баликин куч-ҳаракатларни мувофиқлаштириб, биргаликда иш олиб бориш керак бўлган масалалар ҳусусида тўхталди. Қорамол, шахсий мулк ўғрилари, гиёҳвандларга қарши кураш, жиноятчиларни топиш ана шулар жумласидандир.

— Бу йўлдаги дастлабки вазифа, — деди у, — махфий алоқа тармоғини яратишдир. Вилоятлар ИИБлари ўртасида шундай алоқа ўрнатиш, жиноятчиликка оид маълумотлар ва ахборотлар жамғармаси тузиш, автотранспорт ўмарини муаммосида барчага тегишли «ТҮСИҚ» режасини ҳамкорликда ишлаб чиқиш учун Қирғизистон ИИБ мутахассислар юборишга тайёр.

Агар ҳал этилиши ҳар иккала республика ички ишлар вазирлигининг иштирокини талаб этадиган масалалар пайдо бўлса, биз учрашувга ҳаминша тайёرمىз, — деди у сўзининг охирида.

Кенгаш давомида кутарилган масалаларни амалга оширишга қаратилган кенг қамровли қарор қабул қилинди. Ўш учрашувида тасдиқланган режада белгиланган тadbирларни бажаришга даъват этилган вилоятлараро оператив штаб тузилди, ИИБ бошлиқлари доимий ишловчи. Кенгашнинг кейинги ярим йиллик иш дастури аниқланди.

Махсус мухбиримиз.

Ҳамкорликда

ҲИКМАТ КЎП

Ўхш мустақил давлатлар ички ишлар вазирликлари раҳбарларининг Олмаота учрашувида қабул қилинган қарорлар ҳаётга қандай тadbир этилмоқда.

тиқлар илғор иш тажрибаси билан ўртоқлашиш, Фарғона водийси ИИБлари ўртасида бевосита алоқа ўрнатиш, қорамол ўғирлаш, гиёҳвандликнинг олдини олиш учун қўшни шаҳар ва туманлар ички ишлар бўлимлари билан биргаликда ўтказадиган тadbирлар ишлаб чиқиш, штабларнинг ўзаро ишларини янада аниқлаштириш, жиноят қидирув хизмати раҳбарларининг учрашувини уюштириш, яйловларни ижарага бериш ва молларни бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишни таклиф қилдилар.

— Аҳоли бизнинг фаолиятимизга, биринчи навбатда, иқтисодий жиноятларга қар-

рат ҳамда видеоленталар зарур. Турли ҳужжатлар беришда ҳам муаммолар мавжуд. Норматив ҳужжатлар масаласида бир битимга келишимиз, моддий бойликлар олиб кетилиши масалаларини ҳал этишимиз даркор.

— Товарларни республикадан ташқарига чиқишини назорат қилувчи хизмат ходимлари кундалик эҳтиёж молларини ўзларига керакли (белгиланган) миқдорда олиб кетаётган кишиларни ушламасликларни лозим, — деди Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-майори Г. Р. Раҳимов. — Минтақадаги мавжуд оператив ҳамда ижтимоий-сиёсий вазиятни ҳи-

Бугунги сонда

2-БЕТ

Бу беоқибат, бевафо ҳаётда адашмишлар кўп бўлар экан... Мен барча маҳбуслар номидан сўз юритмайман, йўқ...

3-БЕТ

Сусанна эса зор қақшаганча, уни лаънатларга кўмиб қолаверди. Ой-кунини яқинлашгач, ўқинини ҳам йиғиштирди...

4—5-БЕТЛАР

ДАРВОЗАНИНГ ЯНГИ СОҚЧИЛАРИ

6-БЕТ

...Алҳол қўллашиб, ичида тўрт қизни чархналак қилиб оқиб бораётган улов тўхтатилди.

7-БЕТ

Шифокорларнинг гапига кўра қизимни фақат хоризда қутқариб қолиш мумкин экан.

Панжара ортидан мактуб

«...муддатга озодликдан маҳрум этилсин».

Эгриликка, нопокликка юз бурганлар йўлига бир эмас, бир кун ана шу сўзлар тегишли рақамлари билан тўсиқ бўлади, пешонага тош каби қаттиқ урилади. Ва агар гуноҳкорнинг қалбида одамийлик туйғуси ҳали уйғоқ бўлса, юқоридаги сўзларнинг жарангига қўшилиб портлаган даҳшатни, кулфатни бор бўйи билан ҳис қилади.

«...муддатга озодликдан маҳрум этилсин».

Ҳукм ўқилди. Хўш, кейинчи! Манглайга маҳбус деган тамгани босганлар қилмишларидан пушаймон бўладиларми! Юракларини афсус алангаси жизғинак қиладимми!

Келинг, яхшиси тахририятимизга мактуб йўллаган маҳбуснинг дил сўзларини ўқиб чиқинг, қалбига қўлоқ тутинг. Балки юқоридаги саволларга жавоб топарсиз.

Мен барча маҳбуслар номидан сўз юритмаёман, йўқ. Мен кўнглида заррача бўлсада, содир этган жиноятдан [билибми-билмайми] надомат чекканлар дилидагини айтмоқчиман.

Биз бўйнимизга сиртмоқ каби тушган айб-гуноҳларимиз учун умр билан тоvon тўлаяпмиз. Аммо рафиқаларимиз, фарзандларимиз, ота-оналаримиз-чи! Биз панжара ортида бир нави кунимизни кўраяпмиз. Аммо қавм-қариндошларимиз-чи! Улар ҳамма-ҳаммаси учун жавоб беришлари керак. Бири биридан аламли таънадашномлар, киноя-истехзоли кулгилар, бири биридан заҳар қочирим гаплар остида кун кечиришга мажбурлар. Улуғ айёмлар, катта-катта байрамлар, тўй-маъракалар татимайди! Оллоҳнинг берган ҳар кўни кўзёш, изтироб, қаноат... На илож, чархи кажрафторнинг ишлари шунақа экан.

Фақат кўнгилга-таскин берувчи номалар — жигаргўшаларимиз ёзаётган хатлар ёлғиз суянчигимиз. Яқинда ана шундай мактублардан бири муассасамизда покланиш даврини ўтаётган Зиёдулла исмли йигитга келибди. Уни турмуш ўртоғи йўллаган. Зиёдулла кўярда-қўймай қўлимга тутқазди: «Ўқийверинг, бу ерда



ҳеч қанақа оилавий сир йўқ. Аксинча, сизу бизнинг дардимиз битилган». Ўқиб чиқдим. Икки-уч карра ўқиб чиқдим. Тилимга сўз келмади. Томоғимга тош тикилди. Зиёдулла рози, сиз ҳам ўқиб кўринг.

«Дадажониси. Сиз билан шу кўргуликка қадар кечган умримнинг ҳар лаҳзаси мен учун, шириндан-ширин дилбандларингиз учун бахтли, суррули дамлар эди. Болаларингиз билан болагингизга қайтиб яйрашларингиз, кўзингиз-

дан ёш чиққунича кулишларингиз кўз олдимда суратдек қотган.

Сиз кетганингиздан кейин сўнгсиз азобларга дуч келдим. Сўровлар, тиржайишлар, бармоқни бигиз қилиб кўрсатишлар... Лекин ишонинг, сизни ўйлаганим заҳоти бу қийинчиликларни унутардим.

Баҳорни яхши кўрардингиз. Экиб кетган атиргулларингиз очилиб ётибди. Айниқса, сиз хўш кўрадиган кўк сомсани неча марталаб ёпдим. «Ойи, дадамнинг тегишини олиб қўйайлик» [уларга сизни сафарга кетганлар деб айтганман. Нима қилай, гоҳида ёлғонга ҳам муҳтож бўларкансан киши]. Ҳар тамадди чоғи болаларингиз шу гапни такрор-такрор айтишарди. Йиғлардим. Тақдир, оёқ остида чиққан фалокат сизу бизни вақтинча ажратиб қўйди.

Қисқагина бўлгани билан ташвишларга лиммо-лим инсон ҳаёти шунақа экан. Гоҳи-гоҳида эса ўзининг чексиз муруватлари билан ҳаддан зиёда хурсанд ҳам қилиб юборар экан...

Бугун яна сизни эслаб, сизга илиниб кўк сомса ёпдим. Ушбу хатим билан бирга қўлингизга бориб теккандир. Ош бўлсин.

Дадажониси, биз сизни кут-

япмиз. Фақат ўзингизни эҳтиёт қилинг. Худойимнинг бир кунини [насиб этсин илоҳим] оилангиз бағрига қайтасиз. Ана ўшанда менга берилаётган кинояли саволларга ўзингиз муносиб жавоб берасиз. Ҳали қувончли кунларнинг ҳаммаси олдинда, шундай эмасми!

Соғинч ва умид ёшлари билан оилангиз бекаси.

12 апрель, 1992 йил.

Мактубни айрим нуқта-вергулларини эътиборга олмаганда, ўзгартирганимиз кўчирдим. Вафодор ўзбек муслимасининг дил сўзларини бўямадим.

Эри қамалгандан сўнг бошқалар бағрида тўлғонганлар ози! Севгилис кетгач, навбатдаги «севги»сини излаганлар ози! Опажон, сингилжон, ўқинг. Бахти қароликини раво кўрган Оллоҳ сабрни ҳам берган экану шу сингилмизга.

Биз қонун олдидаги, жамият олдидаги, ташвиш эзиб ташлаган ота-оналаримиз, оилаларимиз, зурриёдларимиз олдидаги гуноҳларимиздан фориғ бўлишимиз шарт. Токи ҳадсиз азоблар ҳадсиз шодликларга ўрнини бўшатиб берсин. Ёлғиз ўтинчимиз, бизни кечиришга ҳаракат қилинг. Бардошли бўлинг.

Ф. ЖУРАҚУЛОВ.

13 апрель, 1992 йил.

Хизмат ташвишлари

Кейинги пайтларда милиция обрўини кўтариш, техник жиҳатдан таъминланишини яхшилаш ва унинг сафларини малакали ходимлар билан мустаҳкамлаш учун кўп ишлар қилинмоқда. Яқин-яқингача бир участка вакили 10-15 минг киши яшайдиган жойга хизмат кўрсатиши одатий ҳолдай туюлар эди. Табиийки, бундай шароитда ходимлардан ўз ҳудудда яшайдиган ҳар бир кишини шахсан билиш, ҳуқуқ-тартиботни бузишга мойил шахсларни тўла-тўқис аниқлаб олиш, ўз вақтида жиноятларнинг олдини оловчи чоралар кўришни талаб қилиш қийин эди. Ҳозир вазият яхши томонга қараб ўзгарди: бугунги кунда ҳар бир маъмурий участкада 4-5 минг киши истиқомат қилади. Шу билан бирга участка вакили ишлайдиган шароит ҳам бирмунча ўзгарди.

Аҳолининг маълум қисми маънавий қадриятларни назар-писанд қилмай қўйганлиги, ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг ёмонлашуви жиноятлар ва ҳуқуқ-тартибот бузилишларнинг кўпайишига олиб келди. Ўз ҳудудда яшовчи аҳолининг ҳурмати-ни қозониш учун участка вакили ҳам яхши изқувар, ҳам яхши маъмурий ходим, ҳам яхши педагог бўлиши керак. Бунинг уддасидан чиқиш, тўғриси айтсак, осон эмас. Фақат юксак касб маҳорати, фидойилик, топширилган ишга виждонан муносабатда бўлиш, ўз устид мунтазам ишлашга ижобий натижа бериши мумкин. Аксарият шаҳар ва туман ички ишлар бўлимларида участка вакили милиция фаолиятидаги энг муҳим шахслардан бири эканлигини яхши тушунишди. Ҳақиқатан ҳам, уларнинг фаол иштирокида жиноятларнинг ярмидан кўпроги очилади, қидирувда бўлган жиноятчиларнинг анча қисми аниқланади. Турли ҳуқуқбузарликлар тўғрисида милицияга келиб тушадиган ариза ва шикоятларнинг аксарият қисми улар томонидан кўриб чиқилади, жамоат тартибини бузувчилар милицияга олиб келинади. Бирорта сиёсий, жамоатчилик, спорт тадбири амалда уларнинг иштирокисиз ўтказилмайди.

Шундай бўлса ҳам... Афсуски, участка вакиллари,

этибордан четда қолмоқда. Ҳолбуки, таъсир кўрсатишнинг бу йўналиши асосий ва биринчи ўриндаги вазифа бўлиши керак. Доимий маош олиб турувчи ҳамда иш жойи тайин кишиларга қараганда бундай шахслар жиноят қилишга кўпроқ мойил бўлишади. Ҳозирча эса участка вакиллари қарамоғида бўлган шахсларни ишга жойлаш ташвишидан мумкин қадар ўзларини олиб қочишга ҳаракат қиладилар, чунки бу сермашаққат юк бўлиб, масалани ҳал этиш кўп ҳолларда уларга бoғлиқ ҳам эмас.

Кейинги пайтларда қорхоналар ҳўжалик юритишнинг янги усулларига ўтганликлари туфайли илгари судланганлар ва ишламайдиганларни ҳамда ҳисобда турадиган бошқа кишиларни ишга жойлашнинг иложи бўлмай қолди, деган гаплар кўп эшитилапти. Лекин бу юмуш авваллари осон эди, деб ким айта олади! Биронта қорхона раҳбари илгари судланган одамни жон-жон деб ишга қабул қилганини ҳеч эслаб олмайман. Ҳар сафар кўриниб турган ҳақиқатни — ҳалол ҳаёт йўлига қайтмоқчи бўлган киши учун бошида бошпанаси бўлиши, меҳнат қилиб пул топиши нақа-

маслиги керак. Ташкил этилмаган ҳар бир иш жойи учун масбул ходимга ўртача йиллик иш ҳақи миқдорида жарима солинади. Шу тариқа Қонунни бажаришни истамаётган раҳбарларга нисбатан шу йўл билан жиддий таъсир ўтказиш мумкин. Шаҳар ва туман ички ишлар бўлимларининг раҳбарлари зудлик билан маҳаллий ҳокимиятларга қорхоналар ва уларда ташкил этилиши керак бўлган иш жойлари ҳақида таклифлар киритишлари даркор. Бунда қорхона йўналиши ва турли касб мутахассисларига бўлган эҳтиёжлари ҳисобга олиниши керак.

Яна бир муаммо устида батафсилроқ тўхталмоқчи эдим. Бу — участка вакиллари моддий-техникавий ҳамда манший жиҳатдан таъминлаш масаласидир. Турли даражадаги раҳбарлар участка вакили ўзи ишлайдиган ерда уй-жой, шинам жиҳозланган ишхонаси, телефон алоқаси ва транспорт билан таъминланиши ҳақида оғизда жон куйдирадilar. Умуман республика бўйича ҳар беш участка инспекторидан биттасининг турар-жойи, тўрттасидан биттасининг ишхонаси, учтасидан биттасининг хизмат теле-

дий таъсир этмай қолмайди. Ҳозир республикада ҳўжаликлар маблағи ҳисобидан иш кўрувчи 1,8 минг нафардан кўпроқ участка вакиллари ишлашмоқда. Бу анча катта рақам, албатта. Лекин барибир иш кўнгилдагидай эмас. Наманган, Фарғона, Хоразм, Сирдарё вилоятлари ҳокимиятларида участка вакиллари оилаб маош олмаган ҳоллар тез-тез учраб туради. Бир қатор минтақаларда пул маблағлари келиб тушмаганлиги сабабли ана шу тоифа ходимларни ялписига қисқартириш бошланди (Наманган, Андижон, Сирдарё вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида).

Участка вакиллари хизмат қилаётган жойларида жамоат тартибини сақловчи «яккаҳон»ларга айланиб қолмасмикинлар деб жиддий ташвишга тушмоқдамиз. Қонун ва тартибни назар-писанд қилмайдиганларга нисбатан таъсир кўрсатишнинг асрлар синовидан ўтган усули — маҳалла оқсоқоллари обрўига таяниш маъқул эмасми? Ҳар қаердагидан кўра Ўзбекистонда кўпроқ қарияларни ҳўрмат қилишди, уларнинг вазмин, сермулоҳаза фикрлари ва маслаҳатларига қўлоқ солишди.

Улар билан яқин алоқа боғлаш, ишга жалб этиш, юзага келган ижтимоий муносабатлардан омилкорлик билан фойдаланиш бугунги куннинг муҳим вазифасидир.

Шуни таъкидлаш керакки, ўз маҳаллаларини муҳофаза этиш борасидаги ташаббусларни аҳоли жондили билан қўллаб-қувватлайди. Жумладан, Бекободдаги металлургия комбинатига ёндош маҳаллалар аҳолиси, мана бир неча йилдирки, кечалари кўчаларни ўз машиналарида назорат қиладилар. Бу ишга маҳалла қўмиталари бош-қош бўлади.

Урганч туманида ҳам айнан шундай иш йўлга қўйилган. Бу ердаги 87 маҳаллада «Қизил таёқчилар» отряди тузилди. Натижада шу йилнинг уч ойи мобайнида туманда жиноятчилик 25 фоиз, шахсий мулкни ўғирлаш эса яримдан кўпроққа камайди.

Янгитдан ташкил этилган ҳокимиятлар билан ўзаро ҳамкорликни ҳам унутмаслик керак. Зеро жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш уларнинг ҳам энг муҳим вазифаларидан биридир.

Муаммолар, албатта, мураккаб. Уларни ким ҳал этиши керак? Жавоб битта: биринчи навбатда шаҳар ва туман ички ишлар идораларининг раҳбарлари. Уларни кимдир ҳал қилиб беради деган кайфиятдан қанча тез халос бўлсак, шунча соз.

У ёки бу ҳолда нима қилиш кераклиги ҳусусида бирор кимса тайёр ечим бера олмайди. Ҳамма томонни чуқур ўйлаб чиқиш, республикада тўпланган тажрибани умумлаштириш ва ишлаш керак!

НИВ-НИБ маҳкамалари ҳам мазкур ишда ўз ўринларини белгилаб олишлари зарур. Улар милиция вакиллари ваколатларини ишлаб чиқишлари, бу соҳани методологик қўлланмалар билан таъминлашлари, қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатишлари ва шунга ўхшаш ўтир муаммоларни ҳал этишлари даркор.

Эргаш ПИРИМҚУЛОВ,

НИВ жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси бўлим бошлиғи.

ОМАДСИЗЛАР

Бу воқеа янги йил арафасида юз берди. Ярим тунда вилоят кутубхонасида ўтказилган байрам базмидан хийла сархуш ҳолда чиққан икки ўртоқ — Шарофиддин ва Ботирлар чайкала-чайкала шаҳар истироҳат боғи томон кетдилар. Қарангки, шу пайт боғ ичидаги ўйингоҳ ёнида орзуларидидаги икки қизни учратиш қилишса! Кейинчалик маълум бўлишича, бу гўзал орасингиллар ҳам ўз ишхоналарида базм уюштиришгану, уни тамомлаб йўлга чиқишган экан. Бир зумда ишлаб чиқилган пухта режа асосида ҳаракат бошланди. Ботир орқароқда қолиб, Шарофиддин қизлар томонга ошиқди... Сухбат тез қовушиб кетди. Албатта, байрам кайфияти... Қизнинг суҳбат авжига чиққан бир пайтда орқада қолган Ботир ҳам етиб келди. Бирдан вазият ўзгариб, ҳаммаси остин-устун бўлиб кетди: Ботир қизлардан бирининг қўлидан тутиб қолди. Шарофиддин эса иккинчисини Гулистон дорилфунунининг гаражи томон судраб кетди.

Аваллига қизлар уларга ялинишди, қўйиб юборишларини сўрашди, лекин бу гап-сўзлар кўзи қонга тўлган йигитларга заррача таъсир қилмади. Икки ўртада олишув бошланди. Қизлар ўз ор-номусларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишди. Кийим-кечаклари йиртилиб, бир қанча тан жароҳатлари

олишди, лекин барибир ўз ифбатларини поймол қилишларига йўл қўйишмади.

Бу орада қизларнинг каттаси эс-хушини йиғиб олиб хийла йўлга ўтди. Бунгача у Шарофиддиннинг ҳаммаёғини тимдалаб ташлаган, йигит ҳам «бўш» келмай сонидан бир-икки тишлаб олган эди.

— Шошма, уйимизга дераза орқали кирасан, кейин...

Йигит лаққа тушди-ю, қиз жуфтасини ростлаб, уйларида ухлаб ётган отаси билан укасини уйғотиб чиқди.

Бунгача бақиршу-чинқирикларни эшитиб чиқиб келган дорилфунун қоровулининг «хай-хай»ига қарамай йигитлар ўз қилиқларини давом эттириверган эди. Оқибатда у милицияга кўнғироқ қилишга мажбур бўлди.

Уйдан жон ҳолатда югуриб чиққан ота-ўғил хомхаёл бандаларини тутиб олишди. Тезда милиция ходимлари ҳам етиб келди ва уларни олиб кетди.

Кейинчалик маълум бўлишича, Ботир олдин ҳам худди шу айб, ЖМнинг худди шу моддаси билан айбланиб, 5 йил «ўтириб» чиққан экан. Хуллас, йигитнинг олдингидек бу сафар ҳам омади юришмади. Яна олти йилга ҳукм қилинди. Омадсизнинг омадсиз жўраси эса беш йилга «кесилиб» кетди.

Анорбой НОРҚУЛОВ.

БУЛАР ХАМ ЎЗБЕКНИНГ ҚИЗЛАРИ...

Трамвайда кетаётгандим. Ўрда бекатига етгач, олдинма-кейин икки қиз чиқа солиб бўш ўрин қидириб қолишди. Бирни мени бир туртди-ю қаршимдаги ўриндиққа «тап» этиб ўзини ташлади. Иккинчиси ҳам ўтирсамми-ўтирсамми қабилда секингина чўкди. Биринчиси бидирлаб гапга тушиб кетди. Иккинчиси эшитиб кетяпти. Лекин хаёли бутунлай бошқа ёқда.

— Кўкчага кетвомман. Уйдагилар билиб қолишса, нақ ўлдиришади.

— Ҳм.

— Йигитимнинг олдида кетвомман-де. Кассета баҳона...

— Ҳм.

Бидир-бидир қилаётган қизгинанинг ёши тахминан 15—16 ларда. Кийимлари дазмолланмаган, лекин ўзича учрашувга кетаяпти. Секинроқ гапирса ҳам майли эди. Гўё трамвайда фақат у билан ёнидаги дугонаси (балки дугонасимасдир, чунки қизларнинг ёшида ҳам, энгил-бошида ҳам катта фарқ бор).

— ...«Главар мафии». Йигитим билан шу кинога тушмоқчимиз, — ҳамон тинмайди қорачадан келган қизгина.

Иккинчиси ҳам тилга кирди:

— Бу анақа кино. Менам йигитим билан тушганман. Кинодаги воқеалар эсига тушди шекилли, ғалати қилиб жилмайди. Ёнидагиси-

нинг ҳам оғзининг таноби қочди.

— Эртага бизам кирамиз бўмасам. Очиқ кўрсатадимми ўзи?

— Унчаликмас. Лекин бор, ишқилиб...

«Секинроқ гаплашинглар!» — дейишга журъатим етмади. Бошқалар ҳам бефарқ. Кимнингдир боласи йиғлаб қолди. Қорачадан келган қизгинанинг тили яна «гурил-лаб» ишга тушди:

— Мунча чириллатди! Боқини билмаскансан, нима қилардинг...

У ёғини айтмади. Хиринглаб қўйди фақат. Бели оғирмаганининг нон ейишини кўр, деган гапни чиқарган одам хўп донишманд эканми дейманда.



ҚАБРИСТОНДА ФУТБОЛ ҲИНАШАРМИШ

Хайрон бўлманг, бу рост гап. Шу йилнинг 21 май куни Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бўлимига Комолон маҳалласи ҳудудидаги қабристонда юз берган қўнғилсиз ҳодиса ҳақида хабар тушди. Маълум бўлишича, қабрлар устидаги бир неча марматрошларни кимдир ёки кимлардир синдириб кетишган. Текширув хулосаларидан сўнг, ушбу факт юзасидан Ўзбекистон Жумҳурияти Жиноят мажмуасининг 222-моддасига асосан (мозорга нисбатан ҳурматсизлик), жиноий иш қўзғатилди ва ҳозир тергов ишлари олиб борилмоқда.

Аниқланишича, бу ишни 13-14 ёшли бир гуруҳ болалар қилишган. Улар қабристонда эсдалик тошларидан дарвоза сифатида фойдаланишиб, футбол ўйнашган. Кейин... кейин қабртошларини синдиришган...

Мен мусулмонман дейдиган ҳар банданинг юрагини чок-чок, қийма-қийма қилиб ташлайдиган воқеа. Комолоннинг аҳли фуқароси бундай разолатга нега бефарқ қаради? Нури дийдаси ўтганларнинг руҳини қийнаб, уларнинг устида тўп тепаркан-у, унинг назари тушмасан! Ахир ҳар мўминнинг қалбида имон, эътиқод, диёнат бўларди-ку! Кичкинагина гуноҳ ҳам балон азим бўлиши керак эди-ку!

Наинки мусулмон боласи, балки бошқа дин-мазҳабга сиғинувчи инсонлар ҳам ҳеч қачон, ҳеч қачон қавмлари ётган, қолаверса, ўзининг ҳам сўнгги борар жойи шу мазористон бўлган масканини бунчалар хор қилмайдилар!

Комолонда эса балиқ бошидан айниган экан. Қабристон ичидаги йўлакларнинг четлари уюм-уюм ахлатлар билан тўла. Кимга нима ортинчалик қилган бўлса, шу ерга келтириб ташлайверган. Эрта бир кун биз ҳам бу фойи дунёда ортинча бўлиб қолганимизда шу маконга елкалаб келишларини наҳотки унутдик?! Яратган эгам, ўзинг кечир гуноҳкор бандаларингни!

Эркин САЙФИДДИН ўғли.

Бу ўлкада ҳар нарса бордир, Кўрмаганлар донм хумордир.

Х. ОЛИМЖОН.

Ана шу хуморлик Сусанна Погосяни ўлкамизга етаклади. Ёшгина, кўҳликкина қиз нотаниш юртга ўқиш ниятида келганди. Аммо ўқиш у ўйлаганчалик осон эмаскан. Ота-онаси юбориб турган пуллар ҳам бора-бора унинг чиқимини кўтаролмай қолди. Бу орада бир йигитни севиб, турмуш қуришга аҳд қилди. Бироқ йигит ишнин битирдию, ўйин пайсалга солаверди. Ўйинга олиб кетгани шошилавермади. Кунлардан бир кун эса хайр-хўшнинг ҳам раво кўрмай, сувга тушган тош-

рига келиб қолди. Мусофир эмасми, фуқаро Т. Милушкинадан бошпана сўради. Уй соҳибасининг бечора аёлга раҳми келиб, жой берди. Сусанна шу йиллар давомида кўп одамларни кўриб, уларнинг ҳулқ-атворини ҳўб ўрганган эмасми, тез кунда Милушкинанинг ишончини қозонди. Бир сафар Сусанна қарз сўраганида Милушкина 530 сўмни ишониб тутқаэди. Сусанна шаҳарда яшаб тураркан, анча-мунча таниш орттиришга ҳам улгурди. Ҳаттоки бир кун эндигина танишган А. Маҳмудованинг ўйини ўмариб кетди. А. Маҳмудова бу пайтда меҳнат таътилида, иссиқ ўлкаларда оёғини узатиб дам олаётганди.

жон уйимдан хабар олиб, гулларга сув қўйиб тургин», — деб калитини топшириб, меҳнат таътилига кетган А. Маҳмудованинг хонадонини Салимага сотиб юборди. Устига яна 4000 сўм беришини талаб қилди. Макрини ишга солган Сусанна шу тариқа ҳам бриллиантли, ҳам пулли бўлди.

Бундайларнинг ўзига маҳлиё қилиш хусусияти кучли экан. Ёки соддалик ҳам шунчаликмикан? Халқимиз-ку азалдан содда, еб турган нонини тортиб олсанг ҳам андиша қилиб тураверади. Гоҳида соддалик билан андиша чегарасининг қаердан бошланиб, қаерда тамом бўлишини билмай қоласан киши. Аслида-ку уриб тортиб олганда ҳам ғиқ этмайди. «Қуйган жойини еётгандим, мана яхшисини егин», деб охиригисини олиб чиқиб беради. Майли, миллий ғурурни қитиқлайдиган бу гапларни

оларкан». Бир аёлнинг макри қирқ эшакка юк бўлади, деган нақл Сусаннага ўхшаганларга қарата айтилган бўлса ажабмас.

Яна макр қурбонлари рўяхатини давом эттирамиз.

Мана, М. Бердиева. Сусанна унинг қандай хизматини бажардикин, дерсиз? У 6000 сўмлик латта-путтасини сотолмай қийналаётган экан. Сусанна ким ошди савдосига қўйишга ваъда бериб, эгасига ярим сантиметр ҳам қолдирмай олиб чиқиб кетган. Шу кетганча...

Ю. Раҳмонованинг кўнгли коттеж тилаб қолибди. На-чора, Сусаннага 7000 сўм қуртдай санаб берибсиз, кутинг. Агарда озгина ҳиммат қилиб, устига қўшганингизда, эҳтимол данғиллама уйлик ҳам бўлармидингиз.

— Битта туреский кофта киймоқчидим.

— Яхши ният қилибсиз-

лақмаликми

қўйиб турайликда, Сусаннанинг кейинги хийла-найранглари кутатайлик.

Болгариялик М. Филиппова Сусаннани маҳлиё қилди. Ёки Сусанна унима, ҳарқалай иккиси апоқ-чапоқ бўлиб кетишди. Мария сотиш ниятида ўзи билан анча нарсалар келтирибди.

Сусанна хизмат ҳақини келишдида, буюмларни сотиб бериш ниятида олдию кетди.

Шўрлик Т. Кравченко этик топишга топибдию, харидор тополмай боши гаранг экан. Сусанна уни ҳам сотиб бераман, деб ишонтирди. Лекин на этик, на унинг пулини, на товламачини Т. Кравченко қайта кўрмади.

А. Нафиқов эса қачондан бери «Адида» олишни орзу қиларкан. Сусанна бу гал «сотиб бераман» эмас, «топиб бераман», деб пулини олдию, ғойиб бўлди.

Г. Бекмуродованинг тушларига кириб чиқадиган газламани, бунга қарангки, фақат Сусаннагина «топа

дай ғойиб бўлди-қўйди.

Сусанна эса зор қақшаганча, уни лаънатларга кўмиб қолаверди. Ой-кун яқинлашгач, ўқишнинг ҳам йиғиштириди. У бўлди, бу бўлди — амаллаб қутилиб олди. Яхши одамларнинг яхшилигидан фойдаланиб, ижарада тура бошлади. Лекин яхшиликнинг ҳам чегараси бўларкан. Энди у тез-тез турар-жойини алмаштирарди. Ишга кириб, ётоқхонага жойлашди. Жазмалари кўпайди. Улар кўпайгани сайин, Сусаннанинг ишга бўйини ёр бермайдиган, иш деса сочи тиккайдиган бўлди.

Орадан йиллар ўтди. Сусанна ҳар гал бахт, оёйиш-талиқ топиш илнжидега учрашган эркакларни унисини ҳам, бунисини ҳам унга беришолмади. Кузги япроқдай қилт этган шамолга учган аёл унутилди. Аввалги ҳусну таровати, жозибаси, қопқора кўнғироқ сочлари пўпанак босган ҳовуздай хира тортиди. Бунинг устига оёйишга кишандай ёнишган қизчасини боқибди, кийинтириши керак.

Сусанна қаерларда яшаб кўрмади, дейсиз. Охири айланми-айланиб Қарши шаҳ-

С. Бобомуродованинг заргарлик буюмига ўчилигини сезган Сусанна, унга холис хизматини таклиф этди. Анчадан бери бриллиант қўзли тақинчоғини бошқасига алмаштириш орузида юрган Салима қувониб кетганидан 4800 сўмлик (эски нархда) тақинчоғини бердию, сабр-сизлик билан кута бошлади. Сусанна бриллиантни олишга олдию ўйланиб қолди «Бу оддий нарса бўлмаса, эрта-ми-кеч барибир қидиради. Шунда тўрға илиниб қолмасмиканман. Кел, яхшиси бошқача йўл тутиб, уни рози қилай».

Миясига келган фикрдан хурсанд Сусанна Салиманинг олдида борди.

— Дугонажон, бриллиантинг ўзимга жуда ёқиб қолди. Менга сота қолсанг-чи.

— Вой, нималар деяпсан. Ҳозир биласанми у қанча туришини? Эҳ-ҳе...

— Қиммат бўлганида от билан туя бўлармиди? Битта уйга ҳам арзимабдими?

— Уй дедингми? Қанақа уй?

— Ҳамма шарт-шароити муҳайё уйда. Кел, очкича гаплашайлик-а...

Хуллас Сусанна «Дугона-

ДАРВОЗАНИНГ ЯНГИ СОҚЧИЛАРИ



Суратларда: ВРББ бўлими бошлиғи Валерий Петров йўловчининг паспортини тек ширмоқда;



узоқ сафар олдидадан бир пиёла чой;



ҳажга аёллар ҳам бори шад;



Покистонга кетаётган йўловчилар ҳужжатларини тек ширмоқда;

Қўналғани шаҳар дарвозаси дейишди. Агар бу йорани Тошкент қўналғасига нисбатан ишлатадиган бўлсак, у нафақат пойтахтнинг, балки мустақилликнинг эришган республикасининг ҳам дарвозаси дейишга тўла асосимиз бор.

Дарвоза тушунчасининг луғавий маъносига тўхталдиган бўлсак, у азалдан қандайдир кириб-чиқадиган жойгина эмас, балки одамлар учун бир юртдан иккинчисига ўтиладиган чегара ролини ҳам ўтаган. Демак, у доимо назоратда бўлган, қўрилган.

Тошкент қўналғасида ҳам ҳамина транспорт ички ишлар бўлими, божхона, чегара текшириш-ўтказиш пункти фаолият кўрсатиб келган. Яқинда эса давлат манфаатлари йўлида иш юритувчи бу хизматларга ИИБ виза ва рухсатномалар бериш бўлими (ВРББ)га қарашли бўлима ҳам қўшилди.

Биз эса янги хизмат ходимларини дарвозанинг янги соқчилари деб атасак, муболага бўлмайди.

Улкан бинонинг эски қўналға деб аталадиган қаноти бошқа жойлардаги тўс-тўполонлардан ҳоли. Агар юзани қараладиган бўлса, буздан ўн-ўн беш йил муқаддам қандай бўлса, шундай манзара сақланиб қолгандек. Чўян панжаралар ортдаги тор йўлак, ҳужжатларни қўздан кечираётган соқчилар. Шовкин-сурон, ортиқча саволлар ёғдирадиганлар йўқ. Чунки маъмурият учиб кетадиганлар рўйхатдан ўтказиладиган ерни ҳоли сақлашга қарор қилишган, бу ерга фақат паттаси борларгина қўйиладди. Нима ҳам дердик, ҳали

орамизда бекорчилар топилади, олди олинмас чигалликлар чиқиши ҳеч гапмас. Бас шундай экан, Ўзбекистон ҳудудига келаётган ёки республикамиздан чиқиб кетаётган чет эллик фуқаролар рўйхатдан ўтказиладиган ва ҳужжатлари тўғрисида расмийлаштирилган ер батариб бўлишига қаноат ҳосил қилишимиз зарур. Ҳозир, республикамиз мустақилликка эришган бугунги кунда чет эл сафарига жўнаётган ўзбекистонликлар сони ҳам анча кўпайди.

Биз бу ерга келган кунни Ўзбекистонга, ҳаж сафарига отланганларни олиб кетаётган охирига тайёра учини керак эди. Шунинг учун ҳам ВРББ бўлимига жойлашган ерга яқинлашдик, зиёратчи-ларни йўлга олишга қандайдир ўзгача бўлади деб ўйлаган эдик. Лекин ҳаммаси одатдаги тартибда борар эди. Юз элликка яқин йўловчинини Саудия Арабистонига олиб кетадиган тайёра учини ҳозир эканлигидан ҳеч қандай далолат йўқ эди.

Милиция капитани В. Петров бошчилиги қилаётган хизмат ходимларига вақтинча берилган яккаю-ягона, лекин каттагина хона. Бўлима бошлиғи ҳузурига биринчи бор келган матбуот вакиллари ҳамма саволларига батафсил жавоб бериш, ўз иши билан яқиндан таништиришга тайёр эканлигини яширмасди. У гапни «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги Қонунни тушунтиришдан бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 17 мартда «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чет эллик фуқароларнинг бўлиш-

ларини тартибга солиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Унда чет эллик кишиларнинг республика ҳудудига юришлари фақат виза ҳужжатлари бўлган таъдирдагина мумкин деган қоида илгаригидай белгилаб қўйилган. Лекин янгиликлар ҳам бор. Масалан, Тошкентда бўлишга рухсат берувчи виза республиканинг бошқа жойларига бориш ҳуқуқини бермайди. Чет эллик талабаларнинг учун олий ўқув юртида рухсатидан рухсатнома олишга мажбурлар. Тартибни бузган айбдор шахслар 50 сўм миқдорда жарима тўлайдилар. Бу жуда кам албатта, ва уни тўлаш, одатда унчалик қийин эмас. Лекин ВРББнинг белгиси қўйилмаган бўлса, қўналғада бирорта ҳам патта рўйхатга олинмайди. Тезир йўлда ҳам мана шундай назорат ўрнатилган. Бу қоида-ни билган батын одамлар автобусга патта оладилар, саёхатчилар гуруҳига қўшилиб, икки-уч кунга Бухоро, Самарқанд, Хивага жўнаб кетаверилар. Лекин йўлда ДАН ходимлари саёхатчилар ўтирган автобусларни батын тўхтатиб (бунга уларнинг ҳақлари бор), ҳужжат текширидилар. Ана шундай ҳолларда нафақат айбдор, балки гуруҳ раҳбари ҳам ўз вақтида визаларни текширмагани учун муаммага дуч келади. Вазият аниқлашма-гунга қадар саёхатчилар ушлаб турилади, одамларнинг кайфияти бузилади. Агар йўлдаги текширувдан бир амаллаб ўтиб олинса, айни шу муаммага етиб боришдан жойда, меҳмонхонага жойлашганда дуч келинади. У ерда ҳужжатлар синчиклаб ўрганилади.

Республикага келган ҳар бир чет эллик киши бир кеча-кундуз давомда шаҳар ёки туман ички ишлар бўлимида ҳужжатларига белги қўйдириб олишлари керак. Агар меҳмон сайёҳ бўлса, меҳмонхонада рўйхатдан ўтади. Бу қоидалар мураккаб эмас ва уларга ўз вақтида риоя қилиш тартиб сақлашга ҳамда келиб-кетувчиларни назорат қилишга қўмаклашади.

— Бизнинг вазифамиз асосан чет элга кетаётган ёки у ердан келаётган фуқароларнинг ҳужжатларини текширишдан иборат, — дейди В. Петров. — Баъзан ким-

нингдир эътиборсизлиги тўғрисида ҳужжатга муҳр қўйилмаган бўлади. Зарур имзо чекилмаган ва саналар ёзилмаган ҳоллар ҳам учраб туради. Мана шу камчиликларни бизнинг назоратчиларимиз тўғрисида. Бу оддий қўғозбозликдай туюлади, аммо ўзига хос хусусияти тамоман аксинча. Биз учун асосий нарсаси бу — кишилар билан муомала қилиш. Зеро ҳар қандай қарор, қонунларни кишиларга ҳушмуомалалик билан тушунтириш, бу ишни билимдонлик билан амалга ошириш зарур. Назоратчиларимизга барча йўловчилар бораб. Бўлимамиз орқаси эса бир кеча-кундузда 300-500 кишига хизмат кўрсатилади.

— Валерий Павлович, хизматда қандай қийинчиликларга дуч келингиз, муаммоларингиз нималардан иборат?

— Ҳа, фаолиятимизда индустриал ҳоллар ҳам рўй бериб туради. Баъзи раҳбар ходимлар тартиб-қоидаларни назар-писанд қилмайдилар, лавозимларини пеш қилиб, ҳужжатларини рўқча қилишди. Бир оз ўзларига келгандан кейин эса тамоман бошқача қиёфа касб этишди. Чет элликлар билан ишлаш анча осон. Улар бахшашимайди: қондан, бузган бўлишса, қонун бўйича жавоб беришди. Масалан, ўзга мамлакатликнинг рухсатномаси муддати ўтиб кетган. Бундай пайтларда биз баён-нома тўлдирмади. У эса қўналғанинг иккинчи қаватида жойлашган кассага бориб, белгиланган миқдордаги жаримани тўлайди. Ҳеч қандай ортиқча гап-сўз бўлмайди. Чет элга кетаётган фуқароларимиз эса ўз мақсадларига эришиш учун ҳар қандай қонунни четлаб ўтишга интилади. Уларга, бирор нарсани тушунтириш жуда қийин.

— Бир қиз қимтинибгина эшикдан мўралади. — Кечирасиз, мумкинми? — Марҳамат, кўраверинг. — Мен Афғонистондан келдим, Тошкент тиббиёт олий билимгоҳида ўқийман. Бухорога бориб келишни жуда ҳам истардим. Лекин нима учундир менга патта сотишмади. Сизга мурожаат қилишимни тавсия этишди. Нима қилишим керак? Иложи бўлса, ёрдам берсангиз. — Энг аввало сиз билим-

гоҳингиз раҳбариятидан у ерга бориш учун рухсатнома келтиришингиз лозим. Агар шундай рухсатноманинг бўлмаса, Бухорога бора олмайсиз. Визда қонун шунча.

Қиз миннатдорчилик билдириб чиқиб кетди. Валерий Павлович эса гапиди давом этди.

— Агар билимгоҳ раҳбарияти чет эллик талабаларнинг республикамиз ҳудудига юришлари тартибини тушунтириб берганларида, мана шундай саводлар туғилмасди. Бу шубҳасиз деканатнинг айби.

— Ҳужжатларни расмийлаштириш пайтида қандай қондубузаришлар тез-тез учраб туради?

— Уларнинг тури кўп. Масалан, деканат номидан қалбани рухсатнома тайёрлаётганда талабалар унга одатдаги учбурчак муҳр қўйишди. Вақолагани, бундай ҳолларда тербли думалоқ муҳр қўйишди. Ҳеч қандай муҳр қўйилмаган, демак, чет эллик кишиларнинг ўзлари тайёрлаган ҳужжатлар ҳам учраб туради. У ёки бу парда бўлиш муддатини ўчириб тўғриланиши. Бу борада айниқса шетмамликлар устасидоранг бўлиб кетишган. Айтиш мумкин, фақат улар тўғрйлигини биз қалбани ҳужжатлар кўргазмасини ташкил этдик.

Муштарийларда суҳбатимиз «амалий ва ошқора вазиёда» ўтди, унга фақат афғонистонлик Робия исмли қизгина ҳалақит берди, деган фикр туғилмасин. Мулоқотимиз давом этган бир ярим соат мобайнида миллиция подполковниги, катта назоратчи Александр Иванов, милиция капитани, назоратчи Пардабой Бойтемиров ва ВРББнинг бошқа ходимлари австралиялик Жифер Фарид онаси билан шугулланишларига тўғри келди. Уларнинг ҳужжатлари жойида эди. Шунинг учун ҳам ҳужжатларга шунчаки кўз югуртириб, меҳмонларга оқ йўл тилаб қўлишди.

Ёрдам бериш истаги қанчалик кучли бўлишига қарамай чет эллик кишининг ҳужжати жойида бўлмаса-чи? Бунда хонага баланд бўлиб, қорамғиз юзли бир йигит кириб келадида, 50 сўмлик жарима тўланганлиги ҳақидаги қўғозни Петровга узатади. Бўлима бошлиғи эса уни баённомага тикиб қўяди.

Қизиқанимдан бу қандай ҳужжат эканлигини сўрадим. Ўшбу баённома Ҳиндистон фуқароси Напур Бхаджан Сингха нисбатан тузилган экан. Рухсатномаси 25 майда туганганлигига қарамай, у «Тошкент» меҳмонхонасида бемалол яшайверган ва Барнаулга учиб кетмоқчи бўлганда, тайёрадан тушириб қолдирилган. Энди «Олтой» ширкатининг ходими Тошкент шаҳар ИИБ ВРББга бориб, қилишнинг тушунтириши керак бўлади. Дарвоқе, муддати тугагач, юртига жўнаб кетишдан бўйин товлайдиган чет элликларга нисбатан республика ҳудудидан чиқариб юборишга чарчаб бўлган чоралар кўрилади.

Енимизда ўтирган А. Ивановдан шу ерда рўй берган бирор фавқуллодда ҳодиса тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилдик. Журналистларнинг ҳафсаласини пир қилмаслик учун роса уришди. Ҳеч нарсаси ёнига келавермагач, ёрдам сўрагандай ҳаммасини Пардабой Бойтемировга қарайди. Лекин у ҳам бир нарсаси дейишга оқини эди. Бизнинг хизматимиз оддий, унда ҳеч қандай ҳақ-раамонлик йўқ, деб қўяқолишди камтарлик билан. Мана, енимиздаги божхона хизматиди эса бошқа гап!

Божхонада иш анча қизғин, деган фикрга қўйилиш мумкин. Лекин ВРББ ходимлари ҳам республикамизнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишдики. Чунотчи, чет элликлар паттани валютага эмас, бизнинг пулмизга харид қилишга уринишларини очиб ташлашни олиб кўринг. Бу қонунга мутлақо зид ҳаттиҳаракатдир. Республика-миз илмгоҳларида таълим олаётган талабалар, рўйхатга олинган муҳбирлар, шу ерда мумим истиқомат қилувчи чет элликлар ва яшаш рухсат этилган фуқаролиги йўқ кишиларгина муомаладаги пулга патта сотиб олишлари мумкин. Акс ҳолда бу қонунга қарши ҳаракатдан бошқа нарсаси эмас.


Суҳбатимиз давом этар экан, тайёралар биринкетин ҳавага кўтарилишда давом этарди. ВРББда барча расмийчиликларни адо этган Ҳиндистон фуқароси Кунар Сушиндер Минводага, покистонлик Эднан Аҳмад Грознийга учиб кетишди...

Бўлима бошлиғи столнинг устидаги қоғозга кўзим тушиб қолди. У ВРББ назорат қилиши керак бўлган рейслар рўйхати экан. Соат 00 дан то сутка тугагунга қадар бўндай рейслар 35 та эканлигини билдик. Демак 24 соат мобайнида бўлима бошлиғи билан яна икки нафар милиция офицери 300-500 йўловчининг ҳужжатлари билан танишиб чиқишлари керак бўлади. Агар уйқусиз туни ҳисобга оладиган бўлсак, бу анчагина иш. Ходимлар ҳозирча етарли эмаслиги учун чидашга тўғри келади. Бўлима ходимлар билан тўлганда кейин вазият анча енгилашади. Бундан ташқари қўналға раҳбарияти ҳам дам олиш хонаси бўлган кулайроқ жой ақратиб тараддулда.

Жиддага кетаётган зиёратчиларнинг ҳужжатлари қандай расмийлаштирилиши билан танишмоқчи бўлдик. — Майли, юрнглари, бир кижини қилармиз, — деди Петров бир оз ўйлаб олгандан сўнг.

Биз етиб келганимизда, йўловчилар рўйхатдан ўтиб, тайёрага олиб кетиладиган жойда эканлар. Текшириш-ўтказиш пунктида зангори погонли прапоршчилар туришарди. Нариги томонда ҳаж сафарига отланган оқ кийимли кишилар. Бизга уларнинг олдида ўтиш мумкин эмаслигини тушунтиришди. Зеро бу Давлат чегарасини бузиш билан баробар бўлур эди. Нима ҳам дердик, дарвоза ҳаво йўлиники бўлса ҳам, тартиб-қоида бажарилиши керак. Тартибга риоя қилинишини чегара қўшинлари аскарлари билан ВРББ ходимлари назорат қилишди. Навбатчилар ишлар жойида эканлигини, тунги рейс билан Ўзбекистонга кетаётганларнинг айтишди. Бу йил ҳажга ҳаммаси бўлиб республикамиздан тўрт мингдан кўпроқ зиёратчи кетди. Чегарачилар, ВРББ ва қўналға ходимлари билан бир қаторда биз ҳам уларга «Оқ йўл» тилаб қолдик.

М. СВЕТИНА,
К. СЕРГЕЕВ.



83 ёшли Абдуқайом ота Маъмарасулов мундас жойларга боришни ўзи учун ҳам фарз, ҳам қара деб ҳисоблайди; ҳужжатга муҳр босилди-ни, демак учини мумкин. Сураткаш



Б. МИРЗАКАРИМОВ.




қўл юки текширилмоқда;



йўловчилар жомадонларини юк бўлимига топшири-шайтир.



рентген мосламаси жомадонлар ичида нималар бор-лигини кўрсатади;



мана бу йўловчининг ҳужжатларида ишқалини борга-ўхшайди;



анджонлик Бахтияр Рўзиев ҳажга отаси ҳамда бо-боси билан сафар қилмоқда;

Ижод

(Боши ўтган сонда).

— Содиқ ака, тўғри айтилган ерга келаверинг. «Қарчиғай» жойини зўр таллаган, хавфсизроқ, — деди ва сўнгидан Геркулес орган томонидан ҳануз қидирилаётганини айтди.

У кўчага чиққач, нечундир табиати хира бўлди. Халига қадар фахрлиниб юргани, ўзида мужассам бўлган сеҳрли, мўъжизавий хусусиятни энди чинакамга ёқтирмай қолди. Нақадар қўрқинчи ва жирканчли сеҳр кучига эга экани ўзига дахшатли бўлиб туюлди. Кўнглидан шундай гап кечди: «Бира тўла қутулишининг иложи йўқмикан?..»

У тор кўчадан чуқур ўй суриб бораётгани боисми, хавф-хатардан эҳтиёт бўлиб юришни унутган эди. Кетидан озгирроқ новча киши ҳаллослаганча етиб келиб, уни тўхтатди.

— «Кичкина», нағмасул кўрсатмай, қулоқ сол! — деди у Жасур рўпарасига чиқиб дағдаға билан. — Агар менга бирор қилиқ кўрсатсанг, ўлдим, деярвер. — У ишора қилиб, йигирма одимча нарида турган бадқовоқ шеригини кўрсатди. — У мўлжалга олишга уста.

— Нима истайсиз мендан? — деди хиёл чўчиб, бегоҳатланган Жасур йўлтўсарга хўмрайиб боққанича.

— Ҳозир мен билан борасан, — деди нотаниш нухса яна дағдағага ўтиб. — Қолганини ўшанда билиб оласан!

Жасур ҳадиғу хавотир билан бироз гарангсирок иккиланиб турди. «Энди тамом, яна Геркулеснинг қўлига тушдим ҳисоб, деган хаёл кечди кўнглидан унинг. Бу касофатни зумда ухлатиб қочсам, шеригига чап бера олармиканман. Бирдан «тарс» этиб отиб қўйса! Буларнинг нияти нима ўзи? Кимнинг одами? Хаёлидан ҳеч нарса кечмаяпти. Майли, ҳозирча итоат этай-чи, кейин бир гап бўлар...»

Жасур беихтиёр бўйин экканча ноилож унга эргашди. Рўнгарон маҳалласига етгач, сариқ тусли «Жигули»га ўтиришди. Уларни кузатиб келаётган кимса эса энди туйқус мо-тоциклда пайдо бўлиб, «Жигули» ортидан йўлга тушди.

«Жигули» икки-уч маҳаллани ортда қолдиргач, Жасур билан кейинги ўриндиқада ўтирган ва уни боягина асир олган новча киши қўлидан қора қийиқча чиқарди. У билан Жасур кўзини тангиди. «Жигули» бир ўнга, бир чапга қайтиб, чамаси яна ўн дақиқача йўл босди.

Аллақайси бир ҳовлига етиб келгач, Жасурни кўзи бойлоглик ҳолда машинадан туширишди. Икки киши уни икки тирсагидан тутиб, етаклаган кўйи олдин бир уйга бошлаб киришди. Кейин бири уни қўйига тушувчи пиллаполардан пастликка, аллақандай ертўлага олиб тушди, сўнг кўзидаги қора қийиқни ечиб

олишди.

Ертўла деворлари, сатҳи, ҳатто усти ҳам сидирга бетондан мустаҳкам қилиб қурилган. Ҳийла димиққан, кўнглини беҳузур қилувчи заҳ ва яна аллақандай қўланса ҳид димоққа урилди.

Жасурнинг тасаввур этгани рост чиқди. Янглишмаган экан. У ўзини чироқ чарақлаб турган ертўлада кўрди. Яна кўзи Сангин-писмиққа тушди. Ертўла тўрида қарахту бемажол ётарди. Унинг қорамағиз юзлари моматалоқ бўлган, эгнидаги кийими йиртилиб, дабдаласи чиққан, кулранг кўйлагининг у ер, бу ерида қон излари, тепки доғлари.



«Ўзи қандай жой бу ер? Сангинни ҳам мажбурлаб олиб келишдимикан? Уни нега бунчалик хўрлаб, бу қадар ачинарли ҳолга туширишдими?..»

Бир маҳал юқоридан тарақлаган товуш эшитилди. Қопқоқ-эшик очилиб, ундан бирин-кетин икки нухса пастга тушди. Жасур дарров таниди. Бири ўзини банди этган одам, иккинчиси кўйлагига ёқасидан кўкрагининг бўлиқ жулларни кўриниб турган, ёноқлари қўп-қизил, ширакайф ҳолдаги Геркулес. У ортиқча гап қилиб ўтирмади.

— Менинг чурвакам, «Кичкина»! — деди масхараомуз оҳангда айёрона жилмайиб ва Жасурнинг иягини гурзидек мушги билан юқорига кўтарди. У эса миқ этмай, жим тураверди.

— Мана, кўрдингми, мен истаган кишимни ернинг остидан бўлсада топа оламан. Кейин уни изимизга йўрғалатмасдан қўймайман ҳам!..

Геркулес ертўлага тушувчи ёғоч пиллапоя тутқи-чига суянганча иршайиб турган шеригига им қоққанди, у тезда ғойиб бўлди. Кейин дўлайган қон-талаш кўзларини Жасурга қадади.

— Шунга яхшилаб эшитиб ол, чурвакам! — деди у яна таҳдидли оҳангда. — Темир йўл вокзалида кўрсатган қилигинг учун бир бошлаб таъзирингни бериб қўйишим керак эди. Лекин ундай қилмайман. Хоҳ иста, хоҳ истама, неки иш буюрсам, бўйин товламасдан бош эгиб, бажаришга мажбур этаман сени. Энди сен учун биттагина йўл қолди. Мендан ё ўлиб қутиласан, ёки жимгина итоат этиб, йўригимдан юрасан!

Яна айтиб қўйай, қочишга урина кўрма, бефойда. Ишонган тоғинг «Зарба»дан нажот кутмасанг ҳам бўлади. Кўрдингми, у зўр келгач, сени ташлаб бошқа юртларга шаталоқ отиб қолди.

Ҳозирча ётар-турар жойинг шу ертўла. Анави «Писмиқ» билан зерик-массан. Бундан кейин хаёлингни жойига қўйиб, ақл билан иш тутсанг, аввалгидек эъзозда бўласан. Йўқса!.. Тушунарлими?

Геркулес ертўлани тарк этди. Жасур тик оёқда турганча нима қиларини билмай, узоқ фурсат хаёлга чўмди. «Шеф»нинг Содиқ ўзга ёққа кетганидан хабардор эканидан хавотир ол-

яна шундай ажойиб қобилиятим борлигидан пушаймон бўп ўтирибман...»

Кечга бориб Жасурнинг кўзини яна қора қийиқча билан тангитган ҳолда ертўладан юқорига олиб чиқилди. Дахлиздан ўзга хонага киришди. Геркулес ёлғиз ароқ ичиб ўтирарди. Яккама-якка қолишгач, Геркулес Жасурга мақсадини тушунтирди. У эса рози бўлмади.

— Қайсарлик қилиб, бошингни сараклатма, ўзингга жабр бўлади, — пўписага ўтди Геркулес. — Айтган ишни қиласан, гап тамом.

Жасурга берилган қатъий тошшириқ — Сангиннинг мақсадини, унинг ўғрилиги

келтиргани, қочиш олдидан ўлжа шу сумкага жойлангани, унинг сумкани ташлаб қочдим, деган баҳонаси пучга чиққанини, Геркулес тузоғига тумшугидан бошлаб илинганини сир тутди.

— Ниятлари, — деди гапида давом этиб, — мендан кўпроқ малаҳ ундириб олиш. Олишиб бўпти.

Сўнг у гап мавзусини бошқа ёққа бурди: — Сен чиндан ҳам «Зарба» билан биргамисан, ёки?..

— «Зарба»нинг ғойиб бўлганига анча бўлди, — ёлғонга кўчди Жасур. — Қайқа кетишини айтмаган эди. Якка ўзим пана-паскамларда тентираб юргандим, мана сиз билан...

— Ҳа, энди бу гаддор Геркулес домидан қутилиб кетиш қийин, — деди Писмиқ чуқур сўлиш олиб. — Ҳали нима ҳунарлар кўрсатмайди дейсан бизга у. Илож қанча, пешонада борини кўрамиз чоғи, «Кичкина»!

Эртаси Жасурни яна юқорига олиб чиқилди.

— Хўш, вайса-чи, нималарни билиб олдинг у тозидан? — сўради Геркулес сабрсиз бир алфозда. — Тезроқ сўзла!..

Жасур аввалига эски ҳукмдорига айбдорона боққанча қимтиниброқ турди. Кейин ютиниб олгач, аранг гапга кўчди. Лекин чинга ёлғонни қўшиб-чатиб сўзлади.

— У сизни мараз, деб сўқди. Ўғрилиқни бир шерик билан эплаганимдан қуяпти. Бу ишни икки киши қилгани милицияга аллақачон маълум. Геркулес эса ўмарилган нарсаларни тенг бўлиб олишга кўнмайди. Ёлғиз эмасдиларинг, бошқаларнинг ҳам ҳаққи бор, деб айтиши аниқ. Улушларини ундириб олгач, қасамни буздинг, деб баттар қутуришади. Мени бир балогоа гирифтор қилмасдан қўйишмайди. Шу боис миқ этмайман. Агар жим турсам, мени ҳеч нима қилишолмайди. Геркулесни менинг жонимдан кўра кўпроқ ўмарган нарсаларимга эга бўлишлик қизиқтирапти, — деган қатъий фикрда Сангин. Ўғирлик нарсаларини эса ололмайди дейпти у. Ҳозирча билиб олганларим шулар...

«Қаҳр-ғазаб, зуғум, қўрқув кишини не қуйларга солмайди, — деб ўйлади «Қорахон», — бир пўписам билан батамом қайишиб қолди, чурвақа. Тобе бўлмай ҳам кўрсин-чи? Бошланмаси чакки эмас, дуруст. Хуфёна кўп сирларни билиб беради бу ҳали менга. Феъли терсроқ бўлсада, барибир эсли-хушли бола. Қўлдан чиқазмаслигим керак!..»

— Тезроқ «Писмиқ»дан ўмарган нарсаларини яширган жойини билиб олишга урин, — деб қатъий уқдирди Геркулес. — Агар шунга билиб берсанг, бутун айбингни ювган бўласан...

Жасур бежорга Писмиқ лақабини олмаганда, ҳозир ҳам Геркулеснинг айғоқ-чиси ҳужрасидан қора тусли осма сумкасини топиб

САИД РАВШАН ТУНГИ ЧИНҚИРИҚ

(Қиссадан парча)

ди. Сангинни уйғотиб, у билан гаплашмоққа жазм қилди. Лекин у ростакамга уйқуга кетганди. Ўтириб, ертўланинг муздек деворига суянди. «Қандай қилсам, бу ердан қутилиб кета оламан, — қўрқув ила ўй сурди у. — Мақсади нима экан Геркулеснинг? У мендан нима истаркин? Шартини айтмади-ку. Дарвоқе, бурунгидек хизмат қиласан, «Кичкина», дегандек бўлди! Унинг айтганига кўнсам, лафзмидан қайтган, бебурд одам бўлиб қоламан-ку. Ундан кўра Геркулес буйруғидан бош тортиб, қийноқ, таҳқирларига чидаганим афзалроқ эмасми?»

«Зарба» билан бўлган бир галги суҳбати Жасурнинг ёдига тушди. «Биласанми, Жасур, сендаги ноёб қобилият эзгу ишларга сарф қилинса, қанчалик наф келтирган бўлар эди, — деганди ўшанда «Зарба» далада бериб. — Айниқса, Геркулесдек жоҳил, мараз одамларнинг кўзларини мошдек очиб қўйишда сенинг катта фойданг тегиши мумкин».

— Мен сал калта ўйлаётганга ўхшайман, — дея ўй суришда давом этди Жасур. — Ростда, номардларнинг бад кирдикорларини очишда қобилиятим запқўл келадикун! Бирор-бир ноҳўя иш қилмасам, бекордан-бекорга бировни ранжитмасам бўлди-да. Ёнг муҳими, ҳалол, соф виждонли бўлиш деган эди-ку, Содиқ акам. Одамларга нафи тегадиган, фойдала, хайрли юмушларга қўл урсам, ҳеч ким мени нега шундай иш қилдинг, деб тергаб ранжитмас. Хайрли иш билан хайрсиз иш орасида ер билан осмонча фарқ бор-ку, ахир. Қизиқ,

нарсаларини яшириб қўйган жойини, яъни хазинасининг қаердалигини билиб бериш эди. «Иккиси ҳам ғирт ўғри, бирининг мақсади иккинчисини талаш, — дея ўзича фикр юритди Жасур. — Геркулесни гап билан чалгита олармиканман? Сангиннинг ниятини билиб олган тақдиримда ҳам уни Геркулесга айтмаслигим керак!..»

Жасур яна икки киши кузатувида ертўлага тушди. Сангин-писмиқ уйғоқ, ертўла деворига беҳол суянганча сигарета тутатиб турарди.

— Сен ҳам менинг ҳолимга тушдингми, а, болакай? — деди мажолсиз бир кўйда аллақандай ҳадиғу хавотир билан ажабсиниб боққанча. — Сендан нима исташипти у маразлар? Ёки қочиб юрганинг учун ўч олишмоқчимми?

— Шунақага ўхшайди! — деди Жасур мужмал қилиб. — Боя эшитмадингизми гапларини...

— Эшитдим, — деб гудурланди у эриниброқ. — Вокзалда бошлаб тузлаб қочганимдинг уни?

— Ҳа, — дея ботинмайроқ жавоб қилди «Кичкина». — Сизни нимага қийнашди?

— Уйиндан чиқмоқчи бўлганим учун, — деди Сангин ертўла шифтига гамгин термулганча. — Бир ҳафтадирки, қийнаб, азоб беришяпти. Битта бойваччининг уйини таламоқчи бўлудик. Номардлик юз берди, зўрга қочиб қутилди. «Шеф» бўлса, йўқ ўлжани менда деб ўйлапти.

Сангин бекорга Писмиқ лақабини олмаганда, ҳозир ҳам Геркулеснинг айғоқ-чиси ҳужрасидан қора тусли осма сумкасини топиб

қўришди. Унга тиббий ёрдам кўрсатиш бефойда эди. Бу пайтда Юқори Чирчиқ тумани ИИБ ходимлари етиб келиб, воқеа тафсилоти билан танишиб, қидирувни бошлаб юбордилар.

Дарҳол қизларнинг шахсини аниқлашга киришилди. Уларнинг деярли барчаси мактаб ўқувчилари бўлиб чиқди. 14-16 ёшли қизчалар. Мабодо қизлар тирик қолишганда ҳам айб ҳайдовчида. Бу ўринда ота-онанинг шаънинга айтиладиган гаплардан тийилиб турамин. Негаки, ушбу йўқотишнинг ўзи уларга қаттиқ руҳий зарбадир.

Қолганини эса тергов ҳал қилади.

М. ИБРОҲИМОВА.

ЖҚ

ТУНГИ ФАЛОКАТ

Қурбон ҳайитининг тонги. Сахармардон йўлга отланган йигитлар зум ўтмай туман ҳудудига кириб келишди. Таниш дарвоза олдида тўхтаб, сизнал чалишди. Хиёл ўтмай икки қиз — опа-сингиллар югуриб чиқдилар. Йўл-йўлакай яна икки қизни олишди-да, машина елиб кетди.

Улар Охунбобоев номли жамоа ҳужалигига етганда соат 6лардан ўтганди. Олдинги ўриндиқада икки йигит, орқада

тўрт нафар қиз. Улар нималар ҳақда гурунглашгани бизга қоронғу. Ўша пайтда ким нимани ўйлагани ҳам. Фақат бир нарсани ишонч билан айтиш мумкинки, уларнинг бирортаси санокли дақиқалардан сўнг фалокат юз бериши мумкинлигини хаёлларига ҳам келтирмаганлар.

Тўқ зангори «Москвич-412» автомашинаси канал ёқалаб учиб бормоқда. Далаларнинг мусоффо ҳавоси, сувнинг муздек эпкини билан қоришиб, баданини жуниқтиради.

Мана бурилиш. Бироқ ҳайдовчи рулни эплолмай қолди. Машина сувга ағанади. Йигитлар сакраб қолишга улгурдилар (қандай эплаганлари номаъ-

лум). Ҳайдовчи С. Саидмуродов ўзини йўқотиб қўймади. Қирғоқ ёқалаб югуриб, думалаб бораётган машинани тўхтатгани ҳаракат қилди. Оқим кучли ва тез эди. У бақириб, ёрдамга чақира бошлади. Эрталаб далага чиққан икки деҳқон кўмакка югурди. Амаллаб машинани тўхтатдилар. Қаердандир темир арқон топиб, тортиб чиқармоқчи бўлишди. Лекин темир ҳам узилар экан. «Москвич» яна оқишда давом этди. Яна сув бўйлаб югур-югур, «ушла-чи, ушла» давом этди. Орадан эса вақт ўтарди. Алҳол кўплашиб, ичида тўрт қизни чархпалак қилиб оқизиб бораётган улов тўхтатилди. Мажақланган машина эшигини очиб, учун ҳам анча вақт кетди. Очилганда эса ичида фақат бир қизни

Қадри баланд қадриятлар



Генерал!..

Ҳарбий хизматда ёки милиция соҳасида бундай юқори унвонга сазовор бўлиш, тўғриси, ҳар қандай одамга ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун энг аввало фидойилик, касбга сўнамас меҳр, билим ва истеъдод, қолаверса улкан бардош керак.

Кўча-кўйларда генераллик либосида юрган кишиларга дуч келиб қолганимизда, беадад ҳавас-ла боқамиз. Айни пайтда эса уларнинг салобати олдида эсанкираб қоламиз ҳаттоки бизга алоқалари бўлмасада. Бейхтиёр мушоҳада юритамиз: ҳойнаҳой, ҳаётнинг барча лаззатларидан қисман бўлсада воз кечиб, шу ишга ўзини, ўзлигини бахшида этган бўлса керак. Акс ҳолда ярқираган погонлар...

Чиндан ҳам шундай, аммо ҳар биримиздаги каби уларда ҳам қалб бор, юрак бор, ҳис-туйғу бор...

Таниқли инсонларнинг меҳри ҳам катта бўларкан: шунчалар каттаки, тахминан ёш боланинг соф ва бегубор туйғуларидек. Мен эса бу ҳолатнинг олдида лолу ҳайрон қоламан: ҳали тушуниб ололмайдиганларимиз, ҳазм қилолмайдиганларимиз кўп шекилли.

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг собиқ бошлиғи, милиция генерал-майори Ғулом Зокиров фони дунёда онасидан сўнг атиги икки йилу ўн тўққиз кун яшай олди холос. Бу муддат ҳижронда, айрилиқ азобларида, соғинч изтиробларида ўтгани назарда тутилганда — жуда узоқ; фарзанднинг онадан кейинги умри деб қаралса, — жуда қисқа. Оз-моз бўлсада тасаввурим бор. Генерал то умрининг охиригача вилоятда ҳуқуқ-тартибот учун, шогирдлари тақдири учун қайғургани рост. Ҳатто бутун қуқувватию иқтидорини танлаган касбигаю эғаллаган лавозимига бағишлаган, десак муболага бўлмайди. Аммо

Меҳри оташ

уни бу оламдан онасига бўлган меҳри олиб кетди дейишга журъат топдим ўзимда.

Ғулом ака шу даражага етгунча не-не кўргуликларни бошидан кечирмади дейсиз: урушдан иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қайтганди. Шундоқ бўлса ҳам жиноят қидирув соҳасида фаолият кўрсатди раҳбарликка кўтарилгунга қадар; умри давомида роппа-роса ўн саккиз бор яшаш жойини ўзгартиришга мажбур бўлди. Бекорга эмас, хизмат важдан. Айтмоққа осонми? Ҳар бир кўчининг ўзига яраша даҳмазалари бор, ташвишлари бор. Қолаверса, мутлақо янги жойда, дастлабига янги одамлар орасида ҳаётга кўникма ҳосил қилиш ҳам осонмас.

Бибифотимахон аянинг икки нафар ўғли бўлиб, каттаси — Ғуломжон эди. Соҳаларга қиров кўниб, юзларга ажин тушиб, оёқдан дармон кетган чоғда «кўчманчи» ўғил ортидан эргашиб юриш енгил кечмагандир у кишига. Лекин барибир, кичиги Усмонжон: «Қўқонга олиб кетаман сизни!» — деса, «Биласан, аканинг мазаси йўқ, боши оғрийди, жон болам, хафа бўлмагин, иложини топишим билан сенинг кига бориб келаман», — дерди онаизор. Унинг Ғуломжонга бўлган меҳри ўзгача, тамоман бошқача эди. Йўқ-йўқ, генерал бўлгани учун эмас. Оналар ҳеч қачон унвонлар билан ҳисоблашганимизда бошқалардан фарқли ўлароқ. Ҳаёт эса бизлар билан ҳисоблашганини ёқтирмас экан.

Онаси қазо қилгандан сўнг Ғуломжон Зокиров икки ой бадалида ўттиз килограмм озиб кетди! Тўғри, юқорида айтганимиздек, у кишининг ўзига хос ташвишлари бисёр эди, генераллик либосининг салобатидан кам бўлмаган юки ҳам бор. Аммо у ҳаммасига чидарди. Бардошли эди. Лекин она ўлимини кўтаришга бардоши етмади. Ўзини олдириб қўйди. Ҳатто кийим-кечакларини қайтадан тиктиришга мажбур бўлди. Камина бу гапни лоф деб ўйлашимиз мумкин эди (ҳолбуки бу борада ёлгон гапиришдан кимга фойда!), агар суратларни кўрмаганимизда. Қўлимизга иккита суратни тутқишимиз. Биринчисида Ғуломжон онаси билан ёнма-ён турибди: тўладан келган юзларидан мамнуният ифодасини ўқиб мумкин. Иккинчисида эса ёлғиз ўзи: озиб-тўзиб кетгани салобатига путур етказмаган эсада, бир мунча чўкиб қолгани аниқ.

Дастлабига ҳаммамиз ҳам содда бўламиз. Тасаввурларимиз ҳам болаларча, ҳатто кулгили. Яширишдан наф

йўқ, шу пайтгача генерал деганда аллақандай салобатли кишилар кўз ўнгимиздан ўтар, улардан ҳайиққанмиз бунга асос бўлмасада. Лекин етарлича ҳурмат қилмаганмиз. Қалб йўқ уларда, деб ўйлаганманда... Энди эса шундай генераллардан бирини ҳокини кўзга суртса арзийдиган инсон экан, деган ҳулосага келдим.

У ўзини хизматда қандай тутган — билмайман, жуда қаттиққўл эди, дейишади. Ўзтирозим йўқ, бўлса бори. Қаттиққўл бўлмаса, бу даражага етишнинг ўзи бўладими? Майли, нима бўлганда ҳам буюк қалби бор эди Ғулом аканинг.

Урушдан гранатанинг ўн учта қолдигини танасига жойлаб қайтган эди. Саккиз ой шифтга қараб ётгач, оёқ-қа турди. Ҳарбий комиссариатга ишга кирди, кейин ички ишларга ўтди.

Милиция хизматида ҳеч қачон фароғат бўлмади, ўша пайтда ҳам оғир эди. Кечалари билан ишлашга тўғри келарди. Бунинг устига иккинчи гуруҳга мансуб ногирон эди у!

Она ачинганидан: «Шу ишининг йиғиштириб қўя қол, ўғлим», — деди. Она сўзи сўз эди, беш ой давомида ишламади ҳам. Бўлмади. Ўзини овутиш учун бир ҳафта фабрикага қатнади. Еқмади. Ахир унинг ўрни айнан ички ишлар хизматида эдида.

Бошига жудодик тушиб, онаизоридан айрилгач, мунис волидалар ҳақидаги шеърлардан тўплаб, ўзи ёзиб (I) бир китоб чиқартирди.

«Мен шоир эмасман, умримда шеър ёзмаганман. Изтироб эса шунгада одамни мажбур этаркан...» Магнитофон тасмаси бир маромда охишта айланади. Генерал синиқ овозда шеър ўқийди. Булар бадийи хижатдан етук эди дея олмаимиз. Зотан ўзи ҳам шоирликка даъво қилган эмас. Биз учун муҳими мана шу шеърларнинг қозғога туширилиши. Зотан бу пайтда Ғулом ака ҳавасга шунчаки қозғо қоралаш давридан ўтганди. Бу меҳрнинг акси, дарднинг силсиласи эди.

— Онадан жудодик доғини кўтаришлари қийин бўлди, — дейди у кишининг турмуш ўртоғи Қундузхон ая. — Оналари ҳам Ғулом акани еру кўкка ишонмасдилар. Кичик ўғиллариникида тўрт ой турсалар, бизникида саккиз ой яшардилар.

Тўғриси шоҳона яшамадик. Қаттиққўл, ҳам ҳалол инсон эдида у киши. Баъзи генералларнинг яшаш шариоитларини кўриб келиб мақтасам, «Менинг бўлганим шу!» — дерди. Тўртта фарзанд — икки қиз, икки ўғил кўрдик. Бир ўғлимиз Серово

(Бағдод — И. Ш.) да қолди. Умри калта экан. У киши фарзандларига-да қаттиққўл эди. Бўлмаса, Бахтиёржон ёлғиз ўғил, шунинг ҳам эрка қилиб тарбияламасди. Тежаб-тергаш оқибатида ўта кўнгилчан йигит бўлиб воёга етди. Қизларимиз ҳам шу.

Қундузхон аянинг сўзлари муболага эмас, аини ҳақиқат. Ғулом ака қанчалар севса ҳам фарзандларини бирор имтиёз билан ўстирмади. Ҳатто ўлим тўшагида ётганда ҳам ана шу ғоясидан қайтмаган.

Ўшанда Бахтиёржон дорилфунуннинг ҳуқуқшунослик куллитини тамомлаётган бўлиб, талабаларни икки ойлик ҳарбий тайёргарликка олиб кетишганди Туркменистонга. Ўғли отасининг аҳволини кўриб, «Бормасам...» дегандай гап қилди. Ота эса кўнмади. «Ҳамма қатори бориб келишинг шарт, мен анча-мунча тузукман», — деди.

Бахтиёржон кетди, орадан озгина фурсат ўтиб... Уни онаси ёнига қўйдилар...

Бу хонадонда ҳамма нараса Ғулом аканинг онасига бўлган меҳрига қаратилгандай туюлаверади. Ким билсин, бу у кишини умрининг охирида энг кўп қийнаган жиҳат бўлгани учун ҳам шундайди. Балки бу ерда муҳитнинг ўзи шунақадир. Нима бўлганда ҳам ҳеч бир оилани бу қадар ҳурматламаганмиз. Ахир ҳаммамизнинг онамиз бор-а!

Ғулом ака ўзи чиқартириб, ёру биродарларига тарқатган «Онам дерман» номли китобчада қуйидаги сўзларни битган экан.

«То умрларининг охиригача ҳам бошимни кўкракларига босиб, худди ёш боладек суярдилар. Мен ҳам ўзимни худди ёш боладек сезардим. Энди онам вафот этдилар, йўқларку деб хаёлга олсам, юрагим ваҳимага тушиб, ўзимни йўқотиб қўяман. Бир минут ҳам онажоним кўз олдимдан кетмайдилар: диванда ўтирсам, ёнимда онам, бағрилари оладилар. Ҳозир ҳам, мана, ўн олтинчи декабрь келса олти ой бўладию лекин мен ҳам бейхтиёр қўлимни онам томон чўзиб, қучоқлагандай бўлавераман.

Ўз-ўзимга савол бераман: нима учун менда жуда ҳам орғиқча меҳр экан? Бошқаларнинг ҳам оналари вафот этишадик-ку. Улар унча сездирмайдилар-ку? Лекин бу саволга ўзим ҳам жавоб топпайман...»

Улуғ инсонларнинг меҳри ҳам улкан бўларкан.

Раҳмон АЛИ.

«Постда»

Муҳаррир

Зокир ОТАЕВ.



Телефонлар: муҳаррир —

54-37-91, муҳаррир ўрни-


босари — 39-77-23, муҳ-

бирлар бўлими — 59-26-56,

59-20-92, умумий бўлими —

59-21-21.

Обуна рақами — 64615.



МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700029, Тошкент, Лопа-

тин кўчаси, 1.

• Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт. • Мақолада келтирилган рақамлар, фантлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади. • Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин. • Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Жумҳурияти

«Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни босмахонаси,
700083, Тошкент,
Ленинград кўчаси, 32.

Рўзнома офсет усулида,
А-3 қолипда босилган.

Босмага бериш вақти 16.00.

Босмага берилди 17.00.

12.992 нусхада чоп этилди.

Буюртма — № Г—206.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10

Меҳр-шафқат мурувватга чақиради

Ҳурматли таҳририят! Сизга ғам-ағамдан юрак-бағри эзилиб адо бўлган, бўлак чораси қолмаган она кўзда ёши билан ёрдам сўраб илтижо қилмоқда. 1980 йилда туғилган қизим Элиза мана икки йилдан ошдики, тўшакдан турмайди, мактабга боролмайди, кун сайин сўлиб, ёш умри поёнига етмоқда. Дарди оғир: «гломерулонефрит», «сурункали буйрак камқувватлиги» дейишар экан.

Шифокорларнинг гапига кўра қизимни фақат хорижда қутқариб қолиш мумкин экан. Лекин бутун қариндош-уруғимиз давлатини тўплаганда ҳам бошқа буйрак қўйиш учун зарур маблағ — 450 минг доллар топишнинг иложи йўқ. Бутун умидимиз фуқаро ва ташкилот-

ларнинг кўнгилли хайр-эҳсонларидан.

Сизларнинг меҳр-шафқатингиз, мурувватингизга ишонаман. Бахти қаро қизимдан ёрдамнигизни аяманг. Қанча бўлса ҳам, сизга арзimas кўринса-да, махсус очилган ҳисобга пул ўтказинг.

Элизани операция қилиш учун сўмларда маблағ тўлаш Бялова Злихи номига очилган: Олмаота шаҳар жамғарма банки Совет бўлими 6219-0134 филиали № 12984, ҳисоб счёти опероблацбанк 600164009, код 109, МФО 190501109.

Валюта счёти № 68207257, МФО 805249 Казвнешэкономбанк, код 924, валюта коди 001, Элиза Шорабековани даволаш учун.

ҲАМДАРДЛИК
БИЛДИРАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг фахрийлар кенгаши вазирлик тергов бошқармасининг собиқ катта терговчиси, меҳнат фахрийси, истеъфодаги милиция подполковниги Людмила Алексеевна Иваненконинг вафот этганлигини билдириб, марҳуманинг қариндошлари ва яқинларига таъзия изҳор қилади.

Табиатни асрани

«...Республиканинг вилоят марказлари, айниқса Тошкент ҳаво ҳавзаси юксак даражада ифлосланган шаҳарлар қаторига киради. Бу ерларда автотранспортдан чиқадиган зарарли моддаларнинг миқдори 60 фоздан ортиқ...»

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-лейтенанти З. Алматовнинг 1991 йил 19 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ИИБ ДАНБ қошида «Экология» тузилмасини ташкил этиш тўғрисида»ги буйруғидан.

Мақоламизга бундай сарлавҳа қўйишимиз бежиз эмас. Ҳаммамиз автомашиналардан чиқаётган бинафшаранг тутунларни кўп марта алам билан кузатганмиз, албатта.

Шу боис автомобиль двигателлари тарқатаётган газлар даражаси устидан назоратни яхшилаш учун Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг 322-буйруғига асосан «Тошкент» ИЧТФ (Ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси) билан ҳамкорликда «Экология» аралаш тузилмаси ташкил этилди.

Низомга биноан «Экология» аралаш тузилмаси хўжалик ҳисобидаги мустақил бўлима бирлиги сифатида «Тошкент» ИЧТФ таркибига киради ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИБ ДАНБга оператив жиҳатдан бўйсунди. У тижоратчилик асосида тўла хўжалик ҳисоби ҳамда ўз харажатларини ўзи қоплаш шароитида иш қилади.

Бугунги кунда у ДАНБнинг энг ёш бўлимларидан биридир. Мазкур бўлимага милиция подполковниги Равшан Даминов раҳбарлик қилмоқда.

— Биз нафас олаётган ҳаво тоза бўлишидан ҳаммамиз манфаатдоримиз, — деди у қилинган ишлар билан таништира бошлар экан. — «Тоза ҳаво» номли қисқа муддатли тадбир кутилган натижани бермади. Тадбир белгиланган ой тугагач, ҳаммаси яна эскичасига давом этаверди. Шаҳар узра бинафша туман сузиб юрибди. Шунинг учун ҳам йўлларда двигателларнинг созлигини, демек, ҳавонинг тозаллигини назорат қилувчи доимий хизмат ташкил этиш зарурати кун тартибда қўндаланг

бўлди.

«Экология» тузилмаси ходимлари қўл қовуштириб ўтирганлари йўқ. Тошкент айланма йўлининг Роҳат кўли билан Қўйлиқ даҳаси оралигидаги пост янги ташкил этилган жамоанинг биринчи нуқтаси бўлди. Бу ерда ҳаракат ўта тизги, мазкур йўл бўйлаб барча минтақалардан республикамиз пойтахтига минглаб машиналар келади.

Шунинг учун ҳам биринчи постни айна шу ерда ташкил этиш мақсадга мувофиқ эди.

Текширувдан сўнг бузуқ автомобиллар, одатда нобой жойларини тузатиш учун, техник хизмат кўрсатиш станциясига юборилади.

— Биз бу масалани бошқача ҳал этдик, — дея гапда давом этди Даминов. — Постда назоратчилар билан бирга автомобилларни таъмирловчилар — навбатчилик қилишади. Улар шу жойнинг ўзидаёқ карбюратордаги камчиликларни тузатиш учун пуллик хизмат кўрсатишади, ҳайдовчи эса «Экология талони» олади. Бу талон двигатель созланганлигидан далолат берувчи шаходатнома бўлиб, уч ой давомида Ўзбекистоннинг бутун ҳудудига амал қилади. Шу ернинг ўзида дизель двигателли автомобиллар, масалан «Икарус» автобуслари ҳам созланади.

«ГАЗ-1», «Инфротит», «Мета» ва бошқа газ анализаторлари «Экология» тузилмаси ходимлари ихтиёри-

да бўлиб, двигателлар носозлиги даражасини аниқ белгилаш имконини беради.

«Кентавр» кичик корхонаси билан ҳамкорликда Ангренда ҳам шундай пост ташкил этилган. Тошкентликлар шахтёрлар шаҳарчасидаги ҳамкасбларига сайёр лаборатория ажратишди. «Экология»да бундай лабораториялардан бир нечтаси бор. Улар автокорхоналарга хизмат кўрсатиб, топириқни бажаришга кетаётган автомобиль транспортларидан чиқаётган газлар зарарини жойларнинг ўзида назорат қилади.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари хонасида 1992 йил 18 апрелда бўлиб ўтган оператив кенгаш баённомасидан:

«Давлат автомобиль назоратининг атмосферани муҳофаза этиш бўйича 1991 йилда транспортда Ўзбекистон Республикаси норматив ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан ҳулосалари шунинг кўрсатдики, бўлимларнинг зарар даражасини назорат қилувчи асбоблар билан таъминлангани яхшиланишига қарамай текширув ишлари кўламини анча камаймоқда. Ўтган йили ҳаммаси бўлиб 1014 та автохўжаликнинг шу соҳадаги фаолияти ўрганилди, бу эса 1990 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 55 фоз камдир. Бу борада қўйидаги вилоятларда нохуш аҳвол вужудга келган: Фарғонада автохўжаликларнинг 13 фозини, Қашқадарё вилоятида 12 фозини, Сирдарё вилоятида 6,2 фозини, Хоразм вилоятида 9,3 фозини текширувдан ўтказилган, ҳолос.

ДАН бўлимларидаги мавжуд газ анализаторларидан самарасиз фойдаланилмоқда. Чунинчи, ўрта ҳисобда республика бўйича битта газ анализатори билан ҳаво-

га чиқарилган газларнинг зарарли даражаси юқори бўлган 65 та двигатель аниқланган. Бу кўрсаткич Қашқадарё вилоятида — 37, Сурхондарёда — 40, Хоразмда 45 тани ташкил этган, ҳолос...»

Баённомадан олинган ушбу сатрлар экология тадбирлари ўтказиш учун ДАН ходимларининг вақти ҳар доим ҳам бўлавермаганидан далолат беради. Терма текширишлар шунинг кўрсатадики, кўплаб хўжаликларда транспорт воситаларини кўздан кечириш расмийат учунгина ўтказилади. Шу сабабли энди июнгача барча вилоятларда «Экология» тузилмасининг тармоқларини ташкил этишга қарор қилинди. Улар ҳозирдаёқ ташкил этилмоқда ва бу ишга катта

умид билан қаралмоқда. Зеро, тоза ҳаводан нафас олаётганимизга ва бундан буён ҳам шундай бўлишига қаттиқ ишонгимиз келади! Бу ҳар бир кишининг табиий истиғи.

Республика ҳудудида ҳар йили икки марта «Тоза ҳаво» тадбири, экологик фаолиятни ташкил этиш юзасидан автокорхоналар ўртасида кўрик ўтказилади. Автотранспорт корхоналари, автомобиль таъмирлаш заводлари, автомобилларга техника хизмати кўрсатиш станциялари ва устахоналарининг ҳавони муҳофаза қилиш фаолиятлари мунтазам текшириб борилади. Ашаддий тартиббузарларга нисбатан таъсир этишнинг маъмурий чоралари қўрилади. Масалан, 1991 йил давомида автохўжаликларнинг деярли бир ярим мингга яқин жансабдор ходимларига 52 минг сўм атрофида жарима солинди.

Лекин бу етарли эмас. «Экология» тузилмаси қатъий чоралар қўришга даъват этилган. Юқорида биз газ

анализ қилувчи асбоблардан етарлича фойдаланилмаётганидан далолат берувчи рақамлар билан танишдик. Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг автотранспорт цехи, Жиззах, Пахтакор автокорхоналаридаги мавжуд 112 та газ анализ қилувчи асбоблардан умуман фойдаланилмаган.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ДАНБ техника назорати бўлимининг экология муаммоларига оид бўлимаси ходимлари ишга енг шимариб кўришди. Зеро бу зарур иш, устига устак гап сиз билан бизнинг соғлиғимиз хусусида бормоқда.


— Фамилиядош капитанлар — Тоҳир ва Мансур Содиқовлар дастлабки пайтда-ноқ унумли ишламоқдалар, — дейди мамнуният билан Даминов. — Бўлимада ҳаммаси бўлиб беш киши бор. Янгилар вазифага қўйилишиб боришмоқда ва яқин орада янги соҳанинг ҳақиқий мутахассисларига айланишади.

Ҳар доимгидек, «Экология» тузилмаси ҳам муаммоларга дуч келмоқда. Автомобилларга техника хизмати кўрсатиш станцияларида ҳавони муҳофаза қилиш ишлари қониқарсиз ташкил этилган. Уларнинг кўпчилиги газ анализ қилувчи асбоблар ва диагноз қўйувчи ускуналар билан етарлича жиҳозланмаган. Тошкент вилоятидаги мавжуд 14 та шундай «Авто-ВАЗ» станцияларидан фақат иккитасида зарар даражасини назорат қилувчи пункт бор. Двигателларда қилинмаган назорат-созлаш ишлари учун фуқаролардан ҳақ олиш ҳоллари кўплаб аниқланди.

Автомобилларни, айниқса двигателларни бутунлай таъмирлашга ихтисослашган заводлар фаолиятида жиддий камчиликлар мавжуд. Ҳар икки корхонанинг биттасида ишлатиб бўлинган газларнинг зарарли даражасини назорат қилувчи ва созловчи пунктлар йўқ. Хуллас, «Экология» тузилмаси ёш бўлсада, иши бошидан ортиб ётибди.

С. МИЛУШЕВ.

Саломатлик—туман бойлик



Х. ШОДИЕВ олган суратлар.

Жонга жон шифокорлар

Иссиқ жон экан, тўсатдан буйрак оғриғи хуруж қилиб қолди. ИИБ госпиталида ётишга мажбур бўлдим. Ўтиборимни дастлаб тортгани шу бўлдики, бу даво масканидаги ҳар бир ходим ўта хушмуомала экан. Физиотерапия бўлимида чет элдан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида буйрагимда қум ва туз борлигини аниқлашди. Кейин муолажани бошлаб юборишди.

Гапнинг лўндасини айтадиган бўлсам, аввало шифокорларнинг ширин суҳанларидан баҳра олдим. Маълум муддат ўтгач, саломатлигим тикланди ва гоёт қадрдон бўлиб қолган кишилар билан қўлларимни кўксимга қўйиб хайрлашдим.

Бугун эса госпиталдаги шарт-шароитлар ҳақида «Постда» муштарийларига ҳикоя қилиб беришни ўз бурчим деб билдим.

Шифо масканида гострит, нафас қисси, сурункали бронхит, гипертония, қон босими, буйрак, жигар, ошқозон касалликларини бартараф этишда кенг имкониятлар мавжуд. Юқорида айтганидек, тиббиёт соҳасида изланаётган одимлар меҳнати маҳсули бўлиши замонавий асбоб-ускуналар шифокорлар иқтидорини рўёбга чиқаришда гоёт қўл келмоқда.

Энг муҳими — бу ерда ўриштирилган тартиб-интизому шифокорларнинг бе-морларга нисбатан жонкуярлигида. Ошпазлар маҳоратида қойил қолмай иложингиз йўқ.

Табиийки, айниқса киши даволанаётган пайтда вақтли матбуот билан танишиб боришга кучли эҳтиёж сезади. Бу борада мутлақо муаммо йўқ: кутубхона мудирига айтиб қўйсангиз бас, сиз истаган рўзнома ёки ойномани олиб қўяди. Мабодо юриш мумкин бўлмаса, ик-

ки энлик қорозга илтимоснома ёзиб, бирор кишидан чиқариб юборасиз. Истаган наشريгиз хонангизда муҳайё бўлади.

Ички ишлар ходимларига яна бир янгиликни етказиб қўйиш жоиз: унионингиздан қатъий назар оилангиз аъзоларидан бирор киши қаттиқ кўричак, ўн икки бармоқли ичак ёки ошқозон касаллигига дучор бўлса, эсингиздан чиқмасин, жарроҳлик бўлимидаги қўли енгил мутахассислар зудлик билан ёрдам кўрсатишади. Кечасини, кундузини — фарқи йўқ.

Қуниқ деган аёл 8 март кuni ўткир кўричак билан шаҳардаги 13-шифохонага ётқизилган. Операция қилинган. Аммо уч-тўрт кун ўтгач, жароҳат йиринглай бошлаган. Бу аёл ҳам ИИБ шифохонасидан бутунлай даво топди.

— Ўн икки йилдан бери ошқозон язваси билан оғрирдим, — дейди Тошкент шаҳар ИИБ хузуридаги кўриқлаш хизмати ходими Эргаш Носиров. — Жарроҳлик бўлими бошлиғи Ҳошим Усмонов, даволловчи врач Қобилжон Шоназаров ва бошқалар 2 соат 40 дақиқа давомида операция қилишди. Худога шукур, ҳозир яхшиман.

Фурсати келганда бир фикрни айтиб қўй: ички ишлар соҳасида 30-35 йил ишлаб, касалликка чалинмаган сержантдан капитангача унионли кишилар, кейинчалик мажруҳ бўлиб қолса, бу шифохонада ётиб муолижа олиш ҳуқуқидан маҳрумдирлар. Бу собиқ СССР ИИБ томонидан белгиланган. Мустақил давлат ички ишлар вазирлиги бу масалага янгилик киритса айни муддао бўларди.

Холмуҳаммад МУЙДИНОВ, милиция старшинаси.